

# НЕФТ МАХСУЛОТЛАРИНИ ЕТКАЗИБ БЕРИШ ТҮРРИСИДА ШАРТНОМА № 1

« 26 » январ2022 йил

Каттакургон шахар

"Курбон бобо -КДН"х/к, (ташкilot, корхона номи) кейинги ўринларда "Таъминотчи" деб юритилади. Ўзининг низоми (низоми, устави, ишончнома) асосида иш юритувчи Ф.Нормуродов (вазифаси, фамилияси, исми) номидан, бир томондан ва Катақўргон шаҳар Ободонлаштириш бошқармаси (корхона, ташкilot, муассаса номи), кейинги ўринларда "Истельмолчи" деб юритилади, ўзининг низоми (низоми, устави, ишончнома) асосида иш юритувчи Ж.Ахмедов (вазифаси, фамилияси, исми) номидан, иккинчи томондан мазкур шартномани қуидагилар ҳақида туздилар.

## 1. ШАРТНОМА МАЗМУНИ

1.1.«Таъминотчи» «Истельмолчи»га нефт маҳсулотларини турлари бўйича «Таъминотчи»нинг ресурс имкониятлари ва «Истельмолч»ининг талабномасида кўрсатилган эҳтиёжларига асосан тузилган ва томонлар келишилган спецификацияга биноан етказиб беришни ўз зиммасига олади. Спецификация шартноманинг ажралмас қисми ҳисобланади.

1.2. «Истельмолчи» маҳсулот учун туловни ва маҳсулотни қабуцл қилиб олинини томонларнинг ўзаро келишувига асосан белгиланган муддатда ва ҳажмда нефт маҳсулотлариниетказиб беришни амалга ошириб боришни ўз зиммасига олади. 2022 йилги бюджет маблағлари ошмаган ҳолда амалга оширилади.

Шартноманинг умумий суммаси **НДС билан 41 325 000( Кирқ бир миллион уч юз йигирма беш минг)сўм, НДС 5 390 217 ( Беш миллион уч юз туксон минг икки юз ун етти) сум 00 тийинни ташкил қилади.** Шартноманинг суммаси нефт нефтни қайта ишлиш заводлари томонидан чиқарилаётган нефт маҳсулотлари нархлари, нефт маҳсулотини ташиб билан боғлик темир йул ҳаражатлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамаси ва Молия вазирлиги қарорларига, Молия вазирлиги қарорлари ижро этилишини таъминловчи хатларга асосан нефт маҳсулотлари таъминоти корхоналарининг устама нархлари ўзгарганда ёхуд нархлар бошқа объектив сабабларга кўра шартноманинг умумий қиймати ўзгаради.

1.3. Шартноманинг спецификация қисмida кўрсатилган нефт маҳсулотларининг миқдори ва суммалари истельмолчининг олоқа хати ва бюртмаларига кўшимча нарядларга асосан йил давомида ўзгариши мумкин.

## 2. МАҲСУЛОТ ЕТКАЗИБ БЕРИШ ТАРТИБИ ВА МУДДАТЛАРИ

2.1.Нефт маҳсулотлари «Истельмолчи»га ажратилиган лимитлар доирасида, «Истельмолчи» тақсимотига кўра нефт маҳсулотларини тарқатиш тарқатиш рухсатномасига ёки ўз транспортида, маҳсус автотранспортида белгиланган (транзит йўли билан ) тартибда (кераклигини остига чизиб қўйилсин) етказиб берилади.

2.2.Нефт маҳсулотларини (олиб чиқиб кетиш) томонлар келишган вақтда спецификация жадвалиги асосан амалга оширилади. Маҳсулотни ортиш вақти томонлар келишувига асосан ўзгартирилиши мумкин.

2.3.«Истельмолчи» нефт маҳсулотларини ўз тасарруфидаги транспорт воситаси билан олиб кетишида нефт маҳсулотларини ташиб кетишга қўйиладиган барча талабларга риоя қилишни ўз зиммасига олади.

2.4.«Таъминотчи» омборига маҳсулот қуиши учун олиб келинган автомобил цистерналари 1510-84 давлат стандарти талабига жавоб бермаган тақдирда автоцистерналар маҳсулот қуишига киритилмайди. Мазкур транспорт воситаларнинг бўш бориб келиши учун қилинган ҳаражатлар «Истельмолчи» зиммасига тушади.

2.5.Нефт маҳсулотлари қуилган автоцистерналар («Истельмолчи»нинг автотранспортида олиб кетиш ҳоллари бундан мустасно) «Таъминотчи» ёки унинг бўлимлари томонидан амалдаги меъёрий техник хужжатларга (1540-84 давлат стандарти) мос тарзда тамғаланади. Тамғалаш «Истельмолчи»нинг талабига биноан амалга оширилади.

2.6. Нефт маҳсулотлари «Таъминотчи» транспорти билан ташилганда транспорт хужжатларида транспорт хизматининг ҳақи хам кўрсатилади.

2.7. «Таъминотчи» маҳсулот йўклиги сабабли маҳсулотни тўла бермаган тақдирда, берилмай қолган маҳсулот миқдорини (лимити) кейинги даврда етказиб бериши шарт Агарда маҳсулоти етказиб берилмаганилиги «Истельмолчи»нинг зарар қўришига олиб келса, «Таъминотчи» кўрилган зарарни тўлайди.

## 3. ҲИСОБ-КИТОБ ТАРТИБИ ВА НАРХЛАРИ

3.1.Ушбу шартнома ўзаро ҳисоб-китоблар учун асос ҳисобланади.

3.2. «Истеъмолчи» олаётган нефт махсулоти учун ҳар ой олдиндан тулов:

- бензин ва газ (Метан ва пропан) учун 100 фоиз;
- дизел ёқилғиси учун 100 фоиз миқдорида 2022 йил 31 декабргача амалга оширилади.
- 3.3. "Истеъмолчи" томонидан тўловлар ҳар ойда, илова қилинган графикка асосан, ҳаражатлар сметасида ажратилган маблағлар доирасида амалга оширилади.
- 3.4. «Таъминотчи» нефт махсулотларини «Истеъмолчи»га махсулотни юқлаш пайтидаги улгуржий нарҳда сотади, бунда корхона устама нархи ва темир йул ҳаражатлари хисобга олинади.
- 3.5. Нефт махсулотларининг нархи, темир йул ҳаражатлари ва корхонанинг устама нархи ўзгарган тақдирда ушбу шартнома ва спецификацияга тегишли ўзgartiriшлар киритилади.

#### **4. ҚАБУЛ ҚИЛИШ ТАРТИБИ**

4.1. Нефт махсулотларининг миқдори ва сифати бўйича «Истеъмолчи» «Ишлаб чиқариш техника ва халқ истеъмоли молларини миқдор (П-6) ва сифат (П-7) жихатидан қабул қилиб олиш тартиби тўғрисида йўрикнома»га ҳамда бошқа норматив ҳужжатларга асосан қабул қилиб олинади.

#### **5. МАХСУЛОТ СИФАТИ**

5.1. Етказиб бериладиган махсулот сифати ГОСТ 1510-85 давлат стандартлари ва техник шартларига мос бўлиши ҳамда бу махсулот ортиш ва кузатувчи ҳужжатларида қайд этилиши лозим.

#### **6. ТОМОНЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ**

6.1. «Таъминотчи» нефт махсулотларини етказиб бериш муддатларини кечиктирганлиги ва ўз муддатида етказиб берилмаганлиги учун «Истеъмол»чига мажбуриятлар бажарилмаган қисми устидан 0,5 фоиз миқдорида пеня тўлайди, лекин тўланадиган пенянингумумий миқдори етказиб берилмаган нефт махсулотлари кийматининг 50 фоизидан ошмаслиги лозим. Пеня тўлаш, шартнома мажбуриятларини бузган томонни нефтмаксулотларини кечиктириб ёки етказиб берилмаганлиги оқибатида юзага келган зарарни тўлашдан озод этмайди.

6.2. Амалдаги қонунчилик ва ҳўжалик шартномаси, стандартлар, техник шартлар. Сифат талаби, турлари ва ассортиментлари бўйича талабга тўғри келмаган нефт махсулотлари етказиб берилганда «Истеъмолчи» нефт махсулотларини қабул қилишдан бош тортиши, «Таъминотчи»дан талаб даражасида бўлмаган нефт махсулотлари қийматининг 20 фоизи миқдорида жарима ундириши, агар махсулот киймати тўланган бўлса, белгиланган тартибда тўланган маблағни қайтиб олиш хукуқига эга. Талаб даражасида бўлмаган нефт махсулотлари етказиб берилганлиги учун жарима «Таъминотчи»дан акцептсиз тартибда ундирилади.

6.3. Шартномада белгиланган муддатда олинмаган ва нефт махсулотларини олишдан сабабсиз бош торганлиги учун «Истеъмолчи» нинг ҳаражатлар сметасида мавжуд маблағлар хисобидан «Таъминотчи» га олинмаган махсулотининг умумий қийматини 5 фоизи миқдорида жарима тўлайди. Нефт махсулотлари тўлик олинмаган тақдирда «Таъминотчи», жарима ундиришдан ташқари, махсулот олинмаганлиги натижасида кўрган зарар қийматини тўлашни талаб қилишга хақли. бунда у мазкур махсулотнинг борлигига кафолат бериши лозим.

6.4. Етказиб берилган нефт махсулоти тўловини 60 қунлик кечиктириб юборганлик учун «Истеъмолчи» хисобидан «Таъминотчи»га ўтказиб юборилган ҳар бир қун учун кечиктирилган Тўлов суммасининг 0,4 фоизи миқдорида, аммо кечиктирилган тўлов суммасининг 50 фоизидан ортиқ бўлмаган миқдорда пеня тўлайди.

6.5. Ушбу шартномада бирон-бир шартнинг бажарилмаганлиги учун жавобгарлик белгиланмаган бўлса, у холда мазкур бажарилмаган шартлар учун жавобгарлик Ўзбекистон Республикаси Фуқоролик Кодекси ва «Ҳўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-хукукий базаси тўғрисида»ги конунга биноан қўлланилади.

#### **7. ФОРС-МАЖОР ҲОЛАТЛАРИ**

7.1. Агар шартнома тузилгандан сўнг иккала томон ўз мажбуриятларини ғайри табиий ҳолатлар, сув тошқини, ёнғин, ер қимирилаши ва бошқа табиий оғатлар сабабли бажармаса хеч қайси томон тўла ёки қисман бажарилмаган мажбуриятлар учун жавобгар хисобланмайдилар.

#### **8. ҚЎШИМЧА ШАРТЛАР**

8.1. Ушбу шартномада назарда тутилмаган бошқа барча масалаларни тарафлар Фуқоролик Кодекс ива «Ҳўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-хукукий базаси тўғрисидаги» қонунга амал қилган холда тартибга келтирилади.

Тури	Нефт маҳсулоти турни	Орқали тасдиқланган ЎзДС ва ТХ	1 литр учун нархи (сўмда)	Хужжат коди: Микдори (литр)	СВ32885840 1чорак	2чорак	Зчорак	4чорак
Дизельное топливо		41 325000	9500	4350	4350			
Жами		41 325 000		4350	4350			

## 9. НИЗОЛАРНИ ХАЛ КИЛИШ

- Тарафлар ўргасида келиб чиқадиган низолар амалдаги суд қонун хужжатларида белгиланган таргида хўжалик судлари томонидан хал қилинади.
- Мазкур шартномага киритилган ҳар қандай ўзгартиришлар ва қўшимча ёзма равишда бўлиб, ҳар икки томон имзолангандан кейингина хақиқий хисобланади.
- Тарафлар ўргасида муносабатлар улар томонидан мазкур шартноманинг барча шартлари бажарилган ва хисоб-китоб тўлиқ тугалланган тақдирда тўхтатилади.
- Ушбу шартнома имзоланган кундан бошлаб 2022 йил 31 декабргача кучда бўлади.

## 10. Томонларнинг юридик манзили ва банк реквизитлари.

### «Таъминловчи»

"Курбон бобо -КДН"х/к  
(ижрочининг номи)  
Манзили Каттакўрғон туман Қазоқовул қ-к

тел\факс:

"QURBON BOBO-KDN" X.K.  
Каттакўрғон туман 20208000104407180001ул к/к.  
X/Резултатириш 00000000000000000000000000000000  
Хамкорбанк АТБ Каттакўрғон филиали  
ЧАФО: 01178 ИИНН: 205485930  
Каттакўрғон туман МФО: 01178  
ОКОНХ: 90110  
ИИНН: 205485930 ОКЭД: 47300  
Рахбар  Ф.Нормуродов  
(Ф.И.Ш.)



(имзо)

М. Ў.

### «Истеъмолчи»


Ободонлаштириш бошкармаси  
(бюджет маблагларини олувчи номи)  
манзили\_Каттакургон шахар  
Умар Хайём куча 9 уй  
тел\факс 456-41-08; 456-1504

тел: 93-3390600

ш/хв 100022860184067065100110001  
банк номи Марказий банк XKKM  
МФО:00014 ИИНН: 200721220  
ОКОНХ: 90110

Газначилик бўлим номи: Ободонлаштириш бошкармаси  
Рахбар: 

(имзо)





O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI ADLIYA VAZIRLIGI  
SAMARQAND VILOYAT ADLIYA BOSHQARMASI  
KATTAQO'RGN SHAHAR YURIDIK XIZMAT  
KO'RSATISH MARKAZI

**Kattaqo'rgon shahar A.Navoiy ko'chasi 156-й Davlat xizmatlari markazi binosi**

**YURIDIK AHAMIYATGA EGA HUJJATLARNING QONUN  
HUJJATLARIKA MUVOFIQLIGI TO'G'RISIDA HUQUQIY XULOSA**

Hujjat raqami № CB32885840

1.Loyihaning turi: Shartnoma

2.Loyihani nomi: 2022 yil 26 yanvardagi Kattaqo'rg'on shahar obodonlashtirish boshqarmasi hamda Qurbon bobo KDN x/k o'rtasida tuzilgan 1 -sonli neft maxsulotlari etkazib berish haqidagi shartnoma.

3.Loyiha ishlab chiquvchi va kiritilgan sana haqidagi ma'lumot

Kattaqo'rg'on obodonlashtirish boshqarmasi tomonidan 2022 yil 26 yanvar kuni ishlab chiqilgan va dasturga kiritilgan.

Loyiha amaldagi qonun hujjatlariga muvofiq ishlab chiqilgan va uni tuzish maqsadga muvofiq.

**Kattaqo'rgon shahar yuridik  
xizmat ko'rsatish markazi  
bosh yuriskonsulti:**



**A.Haitov**